

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАКСИМОВ СЕРГЕЙ ЕВЛАНТИЕВИЧ

СИРТДАН ИОН БОМБАРДИМОНИ ТАЪСИРИДА ЧАНГЛАТИЛГАН
КЛАСТЕРЛИ ИОНЛАРНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ХОССАЛАРИ

01.04.04–Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contentsof the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Максимов Сергей Евлантиевич

Сиртдан ион бомбардимони таъсирида чанглатилган кластерли
ионларнинг фундаментал хоссалари..... 5

Максимов Сергей Евлантиевич

Фундаментальные свойства кластерных ионов,
распыленных с поверхности под действием ионной
бомбардировки..... 37

Maksimov Sergei Evlantieich

Fundamental properties cluster ions,
sputtering from a surface under the influence of the ionic
Bombardments..... 70

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 76

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МАКСИМОВ СЕРГЕЙ ЕВЛАНТИЕВИЧ

СИРТДАН ИОН БОМБАРДИМОНИ ТАЪСИРИДА ЧАНГЛАТИЛГАН
КЛАСТЕРЛИ ИОНЛАРНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ХОССАЛАРИ

01.04.04–Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2020

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/FM138 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида <http://iplt.uz/> ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ашуров Хатам Бахронович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кремков Михаил Витальевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Умирзаков Болтахожа Ерматович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Усманов Дилшадбек Турсунбаевич

физика-математика фанлари доктори, катта и.х.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «03» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871)262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс:(99871)262-31-69.

Диссертация автореферати 2020 йил «26» 11 куни тарқатилди.
(2020 йил «26» 11 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



С.А.Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосори, т.ф.д., профессор

И.Д. Ядгаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта и.х.

Ш.Д. Пайзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., катта и.х.

КИРИШ (докторлик диссертациясининг (DSc) аннотацияси)

Докторлик мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қаттиқ жисм сиртини тезлаштирилган ионлар билан бомбардимон қилинганда нишондан нейтрал ва зарядланган атомларнинг ҳамда чангланаётган жисмнинг алоҳида кўп атомли фрагментлари — кластерларнинг эмиссиясига олиб келади. Сўнги йилларда фундаментал тадқиқотлар ҳамда амалий масалаларнинг кенг доираси нуктаи назаридан, алоҳида атом ва қаттиқ жисм орасидаги ўтиш ҳолатида пайдо бўладиган кластерлар ва нанозарраларнинг табиати ва хоссаларини ўрганишга қизиқиш анча ўсгани кузатилмоқда ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Кластерлар битта ёки икки ёки ундан кўп ҳар хил кимёвий элемент атомларидан шаклланиши, уларнинг ўлчами эса бир нечта атомдан минг атомгача ўзгариши мумкин. Сўнги ўлчам эффектлари электрон, оптик, магнит, кимёвий ва бошқа хоссаларга олиб келадики, бу хоссалар ўша материалнинг ҳажми катта бўлгандаги хоссаларидан жуда катта фарқ қилади. Назарий нуктаи назардан, кластерлардан атом масштабидан ҳажмий материалга ўтишнинг турли фундаментал физик аспектларини тадқиқ қилишнинг модели сифатида фойдаланилади.

Материалларга ион билан ишлов бериш кўплаб тадқиқотчилик ва саноатчилик мақсадлари учун кенг қўлланиладиган услублардан бири ҳисоланади, бунда атомли ва молекулали кластерлар сўнги ўн йилликда сезиларли эътиборни тортди. Айниқса, кластерли ион дасталари иккиламчи-ион масс спектроскопияси (ИИМС) масалаларини ечишда ҳамда органик бирикмаларни ва аралашмаларнинг чуқурлик бўйича тақсимотини юқори аниқликда олишда муҳим рол ўйнайди.

Материалларни тезлаштирилган ионлар билан чанглантириш кластерлар генерацияси учун бошқа услубларга нисбатан алоҳида ўрин тутаети, бунда чанглантириладиган материалларни ва бомбардимон қиладиган зарраларни танлаб, имкони борица гомо- ва гетероядероли кластерларни олиш мумкин, бир қатор ҳолатларда қийин ёки бошқа услублар билан умуман синтез қилиб бўлмайдиган, зарядли ва жунбушга келган кластерларнинг фундаментал хоссаларини, бир экспериментда ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ қилиш мумкин, нега деганда уларни жунбушга келтириш, ионлаштириш ва фрагментациялаш учун қўшимча воситалар керак бўлмайди. Аммо, бу услубнинг ноёб бўлишига қарамасдан, шу вақтгача ионлар бомбардимони билан чанглантирилган кластерларнинг муҳим хоссаларини аниқлайдиган комплекс услублар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, кластерларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари табиати ва эмиссияси хоссаларини аниқлашда шу вақтгача кўп нарсалар ноаниқ бўлиб қолаётти. Шубҳасиз, янги перспектив кластерларни излаш ва уларнинг фундаментал хоссаларини тадқиқ қилиш нафақат физик электроника ва кичик

зарраларнинг физикаси, шу билан бирга замонавий нанотехнология ва материалшуносликнинг долбзарб илмий ва амалий вазифалари ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган вазифаларга мос келади¹. Диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар 2015-йил 15-декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги ПП-1442 сонли Президент Фармонини, 2017 йил 17 февралдаги "2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси" ва 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш тўғрисида"ги П-2789-сонли қарорини, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу илмий тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди: II «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик», III «Энергетика, энергоресурс тежамкорлик, транспорт, машиносозлик ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликнинг ривожланиши».

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Ионлар бомбардимони таъсирида кластер зарраларини ҳосил бўлиши ва эмиссияси соҳасидаги, ҳамда кластерларнинг ҳар хил материаллар (қаттиқ жисм сирти, плёнкалар, адсорбатлар, органик ва биоорганик материаллар) билан ўзаро таъсири соҳасидаги илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида олиб борилаяпти, жумладан: Аргон миллий лабораторияси (АҚШ), Пенсилвания давлат университети (АҚШ), Техас А&М университети (АҚШ), Кайзерслаутерн университети (ГФР), Дуйсбург университети (ГФР), Росток университети (ГФР), Киото университети (Япония), Япония атом энергияси илмий-тадқиқот институти (Япония), Paris Sud университети (Франция), Catholique de Louvain университети (Бельгия), Технион – Исроил Технология институти (Исроил), Ухан университети (ХХР), Хельсинки университети (Финляндия), Jagiellonian университети (Польша), Москва давлат университети (Россия), Москва мухандислик физикаси институти қошидаги Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти (Россия), Шимолий (Арктика) Федерал университети (Россия), Ион-плазма ва лазер технологиялари институти (Ўзбекистон).

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова, п. 3.2.

Ҳозирги даврда бу муаммо устида бутун дунёда кўплаб олимлар қизгин иш олиб бораяпти, жумладан қуйидаги шу ишларни амалга ошираётган гуруҳ раҳбарларини алоҳида: М.Пеллин, Б.Гаррисон, Н.Виноград, Э.Швейкерт, А.Вухер, Х.Гназер, Х.Урбассек, К.-Х.Майвес-Брёер, Х.Ямамото, А.Делькорте, Э.Колодный, Д.Фу, К. ордлунд. З.Постава, Е.С.Машкова, В.Е.Юрасова, В.С.Черныш, А.М.Борисов, Ф.Г.Джурабекова, В.И.Матвеев.

Кластерларнинг сирт ва юпка плёнкалар билан ўзаро таъсири бўйича олиб борилаётган тадқиқотлардан мақсад шуки, кластер дасталарини ўтиргизиш йўли билан янги ва модификацияланган материаллар ҳосил қилиш, кластерларнинг сирт билан ўзаро таъсирида махсус кимёвий реакцияларни амалга оширишда, сирт рельефини ўзгартиришни бошқариш шунингдек легирланган аралашмалар тақсимотининг катта градиентини яратиш ион имплантациясини ўтказиш. Органик материалларни чанглантриш ва чуқурлик бўйича аралашмаларнинг тақсимот профилини юқори аниқликда олиш учун иккиламчи ион масс-спектрометрияси (ИИМС) вазифаларини бажаришда кластер дасталари алоҳида ўрин тутди. Ҳар хил мамлакатдаги тадқиқот гуруҳларнинг халқаро илмий ҳамкорликда юқори савияда комплекс тадқиқотлар ўтказишини, биринчи навбатда ўз ичига олган масалаларни экспериментал ўрганишларини ҳамда кўп атомли мос жараёнларни компьютерда моделлаштиришларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг 50-чи йиллар охиридан дунёда ионлар билан чанглантрилган кластер эмиссияси жараёнларини тадқиқ қилиш ишлари давом этаяпти. 60-80-чи йилларда бажарилган экспериментлар ионлар бомбардимонининг ҳар хил шароитларида эмиссияланган зарядли кластерларнинг қонуниятларига бағишланган эди. 80-90-чи йилларда олиб борилган ишлар асосан ҳар хил режимда чанглантрилган нейтрал кластер компонентларини ўрганиш билан боғлиқ эди. 90-чи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб полиатомли ионлар таъсирида зарядли ҳамда нейтрал кластерлар эмиссияси жараёнлари интенсив ўрганила бошланди, бу эса ўз навбатида кластер дасталарининг ҳар хил ион технологиясида кенг қўлланилишининг бошланиши билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Кластерлар чангланишини ўрганишда алоҳида ўрин, Тошкент мактаби бўлган Ўзбекистон Фанлар Академияси Электроника институтига тегишлидир, бунда 70-90 йилларда бажарилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар кўп томондан янги характерга эга эди. 80-чи йилларнинг ўрталарида Н.Х. Джемилев, У.Х. Расулев ва С.В. Верхотуров томонидан очилган кашфиёт, яъни чангланган кластерларнинг фрагментацияси ҳодисаси фундаментал аҳамиятга эгадир. Кейинроқ, 80-90-чи йилларда чангланган кластер ионларининг парчаланиш жараёнлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва унинг муҳим параметрларни аниқлайдиган кўп томондан уникал бўлган услублар ишлаб чиқилди. Бу услубларнинг қўлланилиши қатор зарядли кластерларнинг шундай, яъни фрагментация тезлиги константалари

бўйича тақсимоти ва яшаш вақти ҳамда жунбушга келиш энергияси каби характеристикаларини аниқлашга имконият яратди. Назарий модель асосида ишлаб чиқилган “буғлантирувчи ансамбл” гомоядроли кластер ионларининг диссоциаланиш энергиясини аниқловчи услуб, чангланган зарраларнинг стабиллигини баҳолаш ва айрим ҳолларда юқори даражада стабиллашган структураларни топишга имконият беради. Кейинги вақтда бу услубни биз гетероядроли кластерларга қўллаш учун модификация қилганмиз. Лекин диссоциаланиш энергиясини аниқловчи “буғлантирувчи ансамбл” моделини чангланган ҳар қандай гетероядроли кластерларнинг стехиометрик таркибига ва бўлиши мумкин бўлган структурасига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўллаш мумкинлиги масаласи, умуман айтганда, очиқ ҳолда қолди.

Ҳозирги вақтгача кенг қўламдаги ўтказилган экспериментал ва назарий тадқиқотларга қарамасдан яна шуни қайд этиш керакки, сиртни ионлар билан бомбардимон қилганда кластерларнинг ҳосил бўлиши ва эмиссия жараёнлари табиати кўп ҳолларда ноаниқ бўлиб қолмоқда, кўплаб яратилган назарий моделлар ва механизмлар эса одатдагидек, алоҳида кузатилган ҳодисалар қонуниятларини мос равишда тасвирлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2/98 Давлат Фан ва Технологиялар қўмитаси “Ионлар чанглантириши натижасида синтез қилинган ўта стабиллашган металл-углерод кластерларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” (1998-2000); №40-02 Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди (ФТҚҚФ) «Молекуляр ионлар бомбардимони таъсирида ҳосил бўлган ва эмиссияланган кластер зарраларини тадқиқ қилиш» (2002-2003); №44-04 ФТҚҚФ «Чангланган кластер ионлари: парчаланишнинг кинетик энергияси ва жунбушга келиш механизми» (2004-2005); №57-06 ФТҚҚФ «Ионлар бомбардимони билан чангланган кластерлар фрагментацияси жараёнидаги иккиламчи ионларнинг массаси ва энергиявий тақсимоти эволюциясини тадқиқ қилиш» (2006-2007); лойиҳа №Ф-2-1-30 «Ионлар бомбардимони билан синтез қилинган металл оксидлари кластерларининг ҳосил бўлишини ва фундаментал хоссаларини тадқиқ қилиш: тадқиқот янги материал яратиш нуқтаи назаридан» (2003-2007); лойиҳа №ФА-Ф2-Ф096 «Ионлар бомбардимони билан синтез қилинган металл оксидлари молекуляр кластерларининг парчаланиш кинетик энергияларини, стабиллигини ва ҳосил бўлиш механизминини тадқиқ қилиш» (2007-2011); лойиҳа № Ф2-ФА-Ф157 «Ионлар бомбардимони вақтида металл, яримўтказгич ва полимер оксиди кластерларининг ҳосил бўлиш, жунбушга келиш ва мономлекуляр парчаланиш механизмлари» (2012-2016); лойиҳа ОТ-Ф3-11 «Альтернатив энергетика ва наноэлектроника учун материаллар нуқтаи назардан ҳар хил ўлчамга эга бўлган кремний ва унинг оксиди структураларидаги кўчиш ва релаксация жараёнларини ўрганиш» (2017-2020).

Тадқиқотнинг мақсади ионлар бомбардимони билан чангланган зарядли кластерларнинг фундаментал хоссаларини аниқлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиб тасдиқлаш ҳамда парчаланишнинг (диссоциаланиш) активлашув энергиясини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир хил экспериментал шароитда оғир атомар Xe^+ ва унга массаси яқин бўлган SF_5^+ молекуляр ионлар дасталари билан сиртларни чанглантиргандаги массалар тақсимотини ва Ag_n^+ , Nb_n^+ ва Ta_n^+ кластерлари фрагментацияси жараёнларини солиштириб тадқиқ қилиш ва тасдиқлаш;

парчаланган ионлар кинетик энергияси спектрларини ўлчашга асосланган ва ундан фойдаланиш орқали Xe^+ ионлари билан ниобий карбиди сиртидан чанглантирилган Nb_mCn^+ кластерларининг диссоциаланиш энергиясини баҳолаш йўли билан Райс-Рамспергер-Касселнинг (РРК) мономолекуляр реакциялар назариясининг классик варианты доирасида чангланган кластер ионларининг диссоциаланиш энергиясини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

Si , Nb ва V сиртларини чанглантирганда атомлар сони ҳар хил (n ва m) бўлган $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ оксидли кластерларнинг самарали генерация усулини ишлаб чиқиш;

кўпроқ $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$ чангланган кластерлар чиқадиган асосий фрагментация каналлари учун уларнинг парчаланган ионлари кинетик энергияси спектрларини ўлчаш, ўтказилган ўлчашлар асосида, “буғлантирувчи ансамбл” модели ва Райс-Рамспергер-Кассел (РРК) назарияси доирасида шу кластерларнинг диссоциаланиш энергиясининг сон қийматларини ҳисоблаш, шу $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$ кластерларнинг парчаланиш тезлиги ўртача константаларини ва ўртача яшаш вақтини аниқлаш;

V ва Nb сиртларининг чангланишида $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластерлар фрагментацияси жараёнларини тадқиқ қилиш, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ парчаланишининг асосий реакциялари учун парчаланган кластер ионлари кинетик энергияси спектрларини ўлчаш, ушбу ўлчашлар натижаларини “буғлантирувчи ансамбл” модели ва Райс-Рамспергер-Кассел (РРК) назарияси доирасида қайта кўриб чиқиб, ушбу кластерларнинг диссоциаланиш энергиясини аниқлаш, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластерлар фрагментациясининг асосий каналлари учун парчаланиш тезлиги ўртача константаси ва ўртача жунбушга келиш энергиясини аниқлаш;

ион чангланишда кластерларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини сифат жиҳатдан таърифлаб, ҳозирги замон кучли мувозанатсиз жараёнлар физикаси тушунчалари нуктаи назардан назарий яқинлашиш асосида ишлаб чиқиш, чанглантирилган мувозанатсиз кластер структураларининг релаксация вақтини назарий баҳолаш ва буларнинг Клотснинг “буғлантирувчи ансамбл” ва РРК мономолекуляр назариясидан фойдаланиб олинган натижаларга мумкин қадар таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объектлари чангланган Ag_n^+ , Nb_n^+ , Ta_n^+ , Nb_nC_m^+ , $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластер ионларидан иборатдир

Тадқиқот предмети ионлар бомбардимони вақтида материаллар сиртидан чангланган Ag_n^+ , Nb_n^+ , Ta_n^+ , Nb_nC_m^+ , $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластер ионларининг эмиссия ва фрагментация жараёнларидир.

Тадқиқот усуллари иккиламчи ионлар масс-спектрометрияси, “буғлантирувчи ансамбл” назарияси ва мономолекуляр реакциялар назариясидан иборатдир.

Тақиқотларнинг илий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айнан бир хил тажриба шароитларда Ag , Nb ва Ta сиртларини оғир атомар Xe^+ ва массалари жиҳатдан яқин бўлган SF_5^+ молекуляр ионлар билан тўзғитиш жараёнларида Ag_n ва Nb_n металлларининг гомоядроли кластерларининг чиқиши бир хил, улар интенсивлигида кузатиладиган фарқлар чангланаётган заррачаларнинг ионлашиш эҳтимоллиги билан боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилди;

Ag_n^+ , Au_n^+ , Cu_n^+ , Nb_n^+ ва Ta_n^+ каби қатор кластерларнинг ўртача бўлиниш тезликлари доимийлари ва ўртача яшаш вақтлари аниқланди, Nb_n^+ ва Ta_n^+ каби кластерлар қатори учун ўртача ғалаёнланиш энергиялари аниқланди; бир-бирига яқин бўлган атомар ва молекуляр ионлар билан чанглантилган кластерларнинг ўртача бўлиниш тезликлари доимийлари ва ўртача яшаш вақтлари бир хил эканликлари кўрсатиб берилди;

парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрини ўлчаш ва Xe^+ ионлари билан чанглантилган қатор Nb_mC_n^+ кластерларнинг диссоциацияланиш энергияларини баҳолаш амалга оширилган классик вариантдаги Райс-Рамспергер-Кассель (РРК) ларнинг мономолекуляр реакциялари назарияси доирасида ўлчаш натижаларини қайта ишлашга асосланган методика ишлаб чиқилди; РРК ва «буғлантирувчи ансамбл» назариясидан биргаликда фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган ягона ҳисоблаш методикасидан чанглантилган кластерлар диссоциация энергияларини аниқлаш мақсадида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди;

бомбардимон қилиш камерасида кислород киритиш ва Si , V ва Nb сиртларни ксенон ионлари билан чанглантилиш жараёнларида $\text{Si}_n\text{O}_m^\pm$, $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластерларининг ҳосил бўлиши ва эмиссияси учун самарали шарт-шароитлар аниқланди;

парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрларини ўлчаш асосида ўтказилган РРК ва «буғлантирувчи ансамбл» назариялари доирасида ҳисобланган $\text{Si}_n\text{O}_{2n+1}^-$ ($n=2-7$) ва Si_nO_m^+ кластерларнинг диссоциация энергияларининг сонли қийматлари методика ўлчаш хатоликлари даражасида кислород киритилган шароитда O_2^+ ва Xe^+ ионлари билан чанглантилган $\text{Si}_n\text{O}_{2n+1}^-$ ($n=2-7$) кластерларнинг диссоциация энергиялари билан бир хил эканлиги, яъни ушбу кластерларнинг структуравий тузилишлари уларнинг пайдо бўлиш ёки уйғотилиш усулларига боғлиқ эмаслиги кўрсатиб берилди;

$\text{Si}_n\text{O}^-_{2n+1}$ ($n=1-6$) и Si_nO_m^+ , ($n=1,2$) кластерларнинг ўртача яшаш вақтлари ва ўртача парчаланиш тезлиги доимийлари аниқланди;

сиртга кислород киритилган шароитларда Xe^+ ионлари билан чанглангантирилган V ва Nb сиртларидаги $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластерларининг фрагментациялари жараёнлари тадқиқ қилинди; «буғлангантирувчи ансамбл» ва РРК назарияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган методика доирасида $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ қатори бош бўлиниш реакциялари учун парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрлари ўлчанди, уларнинг диссоциация энергиялари аниқланди; асосий фрагментация каналлари учун чанглангантирилган $\text{V}_n\text{O}_m^\pm$ ва $\text{Nb}_n\text{O}_m^\pm$ кластерларнинг ўртача бўлиниш тезликлари доимийлари аниқланди; ўхшаш стехиометрияга эга бўлган кластерларнинг бўлиниш тезликлари доимийларининг сонли қийматлари уларнинг заряд ҳолатларига боғлиқ эмаслиги, чанглангантирилган кластерларда ғалаёнланиш солиштира энергиялари эса кластерлардаги атомлар турига ҳам, уларнинг зарядига ҳам боғлиқ эмаслиги кўрсатиб берилди;

чизикли каскадда силжиган атомларнинг треки (қолдирадиган изи) нинг фазодаги тасвири мос «фрактал кластер» ҳосил бўлиши жараёни каби ифодаланиши мумкинлиги назарий жиҳатдан кўрсатиб берилди, ион бомбардимон қилиш жараёнида материалларнинг чангланиш ҳодисасига синергетик ёндошувни қўллаш кузатиладиган чангланган кластерлар масса тақсимооти шаклланишини сифат жиҳатдан ифодалаш ва нозикли динамика тасаввурлари асосида эластик силжиш ва термочўққилар жараёнига ягона ёндошувни ишлаб чиқиш имконини беради; чизикли каскадлар ва термочўққилар орасидаги оралиқ соҳани ифодалаб берувчи янги назарий таҳлил методи тавсия қилинди;

чанглангантирилган номувозанатли кластерли структураларнинг релаксация вақтлари назарий аниқланди; Клотснинг «буғлангантирувчи ансамбл» ва РРК мономолекуляр реакциялар назарияларидан фойдаланиб олинган натижалар аниқлигига ушбу жараёнларнинг таъсир қилмаслиги, лекин уларнинг $\tau < 10^{-9}$ с вақт интервалида (диапазонида) чангланган кластерлар фрагментациялари (бўлинишлари) учун жавобгар эканликлари кўрсатиб берилди.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари:

ион технологиялари ривожланиши учун катта қизиқиш уйғотувчи чангланган кластерли ионлар турғунлигини аниқлаш учун тавсия қилинган «буғлангантириш ансамбли» ва РРК мономолекуляр реакциялар назарияларидан биргаликда фойдаланиб парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрларини кейин қайта ишлашга асосланган диссоциация энергияларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди;

амалий масалаларни ечиш учун бир вақтнинг ўзида бомбардимон қилинувчи сиртга кислород киритиш орқали сиртни оғир атомар ионлар дастаси билан чанглангантириш жараёнида оксидли кластерларни генерация қилишнинг (ҳосил қилишнинг) самарали методи ишлаб чиқилди;

биринчи маротаба ион технологияларининг турли хилдаги қўлланилишларида ушбу кластерлардан фойдаланиш имкониятларини

баҳолаш учун фойдаланиш мумкин бўлган $Nb_nC_m^+$, $Si_nO_m^\pm$, $V_nO_m^\pm$ ва $Nb_nO_m^\pm$ лар қатор кластерларининг диссоциация энергияларининг сонли қийматлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иккиламчи-ион масс-спектрокопиясининг замонавий методларининг қўлланилиши, тажрибаларстатистикаси ва шарт-шароитларини батафсил ва тўла таҳлил қилинганлиги, замонавий юқори аниқликдаги ўлчов асбобларидан фойдаланилганлиги, олинган тадқиқот натижаларининг учраши мумкин бўлган хатоликларни ҳисобга олган ҳолда статистик усулларда қайта ишланганлиги ва батафсил, изчил ҳисоблашларни амалга оширилганлигига, олинган тажрибавий ва назарий натижаларнинг, ҳамда чиқарилган хулосаларнинг кўп атомлизаррачаларнинг хусусиятларива табиати, чанглатилган кластерларнинг эмиссияси ва фрагментациясини ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқот натижалари билан мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Массалари бир-бирига яқин бўлган бир атомли ва кўп атомли заррачалар билан чанглантириш жараёнларида кластерлар эмиссияси ва фрагментацияларини қиёсий тадқиқ қилиш натижаларининг илмий аҳамияти бундай шароитларда содир бўлаётган жараёнларнинг бомбардимон қилаётган ионлардаги заррачалар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хилда кечишини, айнан ўхшашлигини аниқлашдадир.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган бир вақтнинг ўзида РРК мономолекуляр реакциялар ва «буғлантирувчи ансамбли» назарияларини биргаликда ишлатган ҳолда олинган натижаларни қайта ишлаш орқали парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрларини ўлчашга асосланган кластерлар диссоциация энергияларини аниқлаш методикасининг илмий аҳамияти кластер ионларининг фундаменталь параметрларини аниқлаш имкониятларининг мавжуд эканлигидадир; юқорида келтирилган методиканинг амалий аҳамияти шундан иборатки, фойдаланиладиган замонавий ион технологияларда бевосита чангланган кластер ионлар турғунлигини аниқлаш учун қўлланилиш имкониятларининг мавжудлигидир.

Кислород киритилган ҳолда O_2^+ ва He^+ ионлари билан чанглантирилган $Si_nO_{2n+1}^-$ ($n=2-7$) кластерлар фрагментация жараёнларининг айнан ўхшашлиги ва диссоциация энергияларининг сонли қийматларининг илмий аҳамияти улар структураларининг уларни ҳосил қилиш усулларига боғлиқ эмаслигини кўрсатиб берганлигидадир.

$Nb_nC_m^+$, $Si_nO_m^\pm$, $V_nO_m^\pm$ ва $Nb_nO_m^\pm$ каби қатор кластерлар диссоциация энергияларини аниқлашнинг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улар учун олинган сонли қийматлардан ҳам фундаментал тадқиқотлар, ҳам ама қўлланишларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

$V_nO_m^\pm$ ва $Nb_nO_m^\pm$ каби чангланган кластерларнинг аниқланган ўртача бўлиниш тезликлари доимийларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улардай чангланган кластерларнинг солиштирма ғалаёнланиш энергиялари

кластерларнинг турига ҳам, уларнинг зарядларига ҳам боғлиқ эмас деган хулоса чиқариш мумкин.

Фойдаланилган назарий ёндошувларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, уларни турли шароитларда материаллар сиртини ион чанглантририш жараёнида ҳосил бўладиган кластерлар ва уларнинг эмиссияси жараёнларини комплекс аналитик ифодалашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг татбиқ қилиниши.

«Investigating the dissociation energies of niobium and vanadium oxides clusters synthesized by ion sputtering» (Bulletin of the Russian Academy of Sciences. Physics. 2012. vol. 76. N.5. pp. 527-530) номли мақолада чоп этилган чанглатилган $V_mO_n^+$ кластерлар диссоциацияси энергияларининг олинган сонли қийматлари Ухан ш. (ХХР) Университетида проф. Д.Фу раҳбарлигидаги илмий гуруҳда (Dr. Professor Fu Dejun, Accelerator Laboratory, School of Physics and Technology, Wuhan University) Хитойнинг Ухан ва Сучжоу илмий-техника Бошқармалари (Wuhan Science and Technology Bureau and Suzhou Science and Technology Bureau of China) илмий Лойиҳаларини бажаришда, “Research on cluster ion beam equipment for fabrication of ultra shallow junction devices” номли №2016030409020210 рақамли грант ва “Cluster ion beam nanofabrication device” номли №ZXG201448 рақамли грантларни бажаришда фойдаланилди ва бу зарур стехиометрия ва бошқа параметрларга эга бўлган ванадий оксидининг мусбат кластерли ионлар дастасини олиш имконини берди (Wuhan University нинг 09.10.2020й. даги Маълумотномаси).

«Fragmentation of sputtered $Si_nO_m^+$ clusters: Release kinetic and dissociation energies» (Bulletin of the Russian Academy of Sciences: Physics, 2008, 72(7), 910–914) номли мақолада чоп этилган кремний оксидининг чанглантририлган кластерларининг диссоциация энергияларини баҳолаш натижалари Мичиган плазмали тадқиқотлар ва инженерия АҚШ энергетика Вазирлиги институтида бажарилган АҚШ Энергетика Вазирлигининг «Directed Energy Interactions with Surfaces» номли №DE-AC02-06CH11357 рақамли илмий лойиҳасида кластерлар миқдори ва уларнинг нисбий интенсивлиги нуқтаи назаридан ўлчанган масс-спектрларни таҳлил қилишда фойдаланилди (Michigan State University нинг 30.09.2020й.даги Маълумотномаси).

Радиацион синергетика концепцияси асосида ишлаб чиқилган ион бомбардимон жараёнида иккиламчи заррачалар эмиссиясини ифодалаш учун фойдаланилган, динамик ва термодинамик назариялар орасидаги бўшлиқни тўлдиришга мўлжалланган ва «Синергетика распыления материалов при ионной бомбардировке», «Поверхность. Рентгеновские, синхротронные и нейтронные исследования» журнали, 2013, №4, С.42-47 ва «Множественные процессы при распылении материалов ионной бомбардировкой», «Поверхность. Рентгеновские, синхротронные и нейтронные исследования» журнали, 2013, №6, С.60-64 журналлардаги мақолаларда баён қилинган биз томонимиздан ишлаб чиқилган назарий таҳлил методдан Урал федерал университети Физика-технология институтида (Россия) қуйидаги:

Госзадание 3.1485.2017/4.6 Министерства науки и высшего образования РФ «Дефектная структура, возбуждённые состояния и конверсия излучения УФ-ИК диапазона в разупорядоченных оксидах РЗЭ с пониженной размерностью» (2017-2019 гг.), ва Грант РФФИ №20-42-660012 «Электронная структура, дефекты и фотоиндуцированные процессы в ионно-имплантированных материалах» (2019-2021 гг.) (Справка Физико-технологического института Уральского федерального университета №33.05-32/64 от 05.10.2020) илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажариш доирасида радиацион индуцирланган эффектларни ўрганиш жараёнида фойдаланилган.

Диссертация материаллари университетларнинг мос йўналишлари ва мутахасислари ўқув дастурларига кичик заррачалар физикаси ва иончангланиш соҳасидаги янги қўлга киритилган ютуқлар сифатида киритилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 26 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича олинган натижалар 59 та илмий ишда, улардан 21 таси илмий мақола, шу жумладан 12 та чет эл ва 9 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий докторлик диссертациялари материалларини чоп этиш учун тавсия қилган республика журналларида баён қилинган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация структураси (таркиби) кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 193 бет матнни ўз ичига олган бўлиб, унда 38 та расм ва 20 та жадвал мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долбзарблиги ва зарурияти асосланган, татқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, ҳамда объекти, предмети ва усуллари аниқланган, татқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий муҳимлиги, ишончлиги кўрсатилган, амалиётда қўллаш ҳақида маълумотлар, олинган натижаларнинг апробацияси, диссертациянинг структураси ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Иончангланиш жараёнида кластерлар эмиссияси ва уларнинг сирт билан ўзаро таъсири жараёнларини тадқиқ қилишнинг қисқача таҳлили» номли биринчи бобида иончангланиш жараёнида кластерлар эмиссияси ва кластер дасталарининг турли режимларда материаллар сирт билан ўзаро таъсири жараёнларида кластерлар ҳосил бўлишини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг замонавий ҳолати қараб чиқилган. Қаттиқ жисмларни атомар ионлар дастаси билан

бомбардимон қилиш жараёнида кластерлар эмиссиясининг асосий қонуниятлари қисқача баён қилинган. Заррачалар энергияси ва турига боғлиқ равишда кластерларнинг сирт билан ўзаро таъсирининг асосий типлари кўрсатиб берилган. Кластерли ионлар дастаси билан чанглангириш жараёнларининг асосий қонуниятларига уларнинг иккиламчи-ион масс-спектрометрияда қўлланилиши нуқтаи назаридан асосий эътибор; хусусан олинган хусусиятлардан органик материалларнинг чангланиши ва қаттиқ жисмларнинг сирт олди қатламларида чуқурлик бўйича аралашмалар тақсмоти профилини олиш учун қўлланилиши кўрсатиб берилди. Сиртларни кластерли ионлар билан бомбардимон қилиш жараёнларида юзага келадиган аддитив бўлмаган эффектлар қараб чиқилди. Қаттиқ жисмларнинг чангланиши жараёнларида кластерли ионларнинг мономолекуляр фрагментацияларини ва бунда қўлланиладиган аналитик ва экспериментал методикаларни ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар батафсил келтирилган ва таҳлил қилинган. Диссертацион иш олдига қўйилган масала ҳолати таҳлил қилиниб, тадқиқот ишлари олдига қўйилган вазифалар келтирилган.

«Экспериментал қурилма ва тадқиқотлар методикаси» номли иккинчи бобда экспериментал қурилма-тескари геометрияли иккиламчи фокусировкага эга масс-спектрометр қараб чиқилган, унинг асосий қисмлари ва конструктив хусусиятлари баёни келтирилган. Олиб бориладиган тадқиқотларда ишлатиладиган материалларни танлаш асосланган ва тажрибаларни ўтказиш шароитлари баён қилинган. Сиртларни He^+ , Ar^+ , O_2^+ ва SF_5^+ ионлари дастаси билан чанглангириш жараёнида кластерларнинг массалар бўйича тақсмотини тадқиқ қилиш методикаси баён қилинган. Чангланиш маҳсулотларининг мусбат ва манфий ташкил этувчиларини ўрганиш жараёнида бирламчи ионларнинг энергиялари 8,5 кэВ ва 18,5 кэВ ни ташкил қилди. Бирламчи ионлар тоқларининг абсолют қийматлари: тоқлар зичлигининг $1\text{--}3 \cdot 10^{-3} \text{ А/см}^2$ катталиққа мос қийматларида дуоплазматрон билан He^+ ионлари учун 400-700 нА ни ва O_2^+ ионлари учун 700-800 нА ни, электрон таъсирли ионлар манбаи билан He^+ ионлари учун 700 нА ни ва SF_5^+ и Ar^+ ионлари учун $\sim 1,2 \text{ мкА}$ ни ташкил қилди.

Масс-спектрометрнинг биринчи S_1 ва иккинчи S_2 майдонсиз соҳа (зона)ларида кластерлар фрагментацияларини тадқиқ қилиш методлари баён қилинган. Қурилманинг иккинчи майдонсиз соҳасида кластерларнинг бўлиниши жараёнида ҳосил бўладиган парчаланган ионларнинг кинетик энергиялари спектрларини ўлчаш методикаси тақдим қилинди ва “буғлангириш ансамбли” назарий моделидан фойдаланиб, олинган чанглангирилган кластерлар диссоциация энергиялари асосида ҳисоблашлар амалга оширилди. Бу модель учун масса маркази системасида парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектри қуйидагича ифодаланади:

$$dN/dE \propto E^l \cdot \exp[-E/k_B T^{++}] \quad (1),$$

бу ерда k_B - Больцман доимийси, l параметр ноль ва бир орасидаги қийматларни қабул қилади, T^{++} - уйғотилган кластер температураси бўлиб, у солиштирма энергияга мос келади (эркинлик даражасига). Ушбу назария

доирасида кластернинг диссоциация энергияси T^{++} температура билан куйидагича боғланган:

$$E_d(T^{++}) = (\gamma(n) * k_b * T^{++}) / \left(1 - \frac{\gamma(n)}{2C(n)} + \frac{1}{12} * \left[\frac{\gamma(n)}{2C(n)} \right]^2 + \dots \right) \quad (2),$$


бу ерда

$$\gamma(n) = -\ln \left[1 / \left(10^{13} * n^{2/3} * \exp \left(\frac{6}{n^{2/3}} \right) * \bar{t}(n) \right) \right] \quad (3)$$

- Гспанн параметри бўлиб, у кластердаги атомлар сони n ва тажрибадан аниқланувчи кластернинг мос яшаш вақти $\bar{t}(n)$ га боғлиқ, $C(n) = 3 * n - 1$ – кластер иссиқлик сиғими (Больцман доимийси k_b бирликларида). Массалар маркази системасида кинетик энергиялар спектрида ва лаборатория системасида ўлчанган парчаланган ионлар кинетик энергияларини қайта ўзгартириш методикасининг баёни келтирилган.

Олинган натижаларни математик қайта ишлаш ва эксперимент натижалари аниқлигини баҳолаш босқичлари баён қилинган.

«Ион бомбардимон натижасида сиртдан чангланган кластерларнинг фундаментал хусусиятларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш» номли учинчи бобда массалари бўйича бир-бирига яқин бўлган атомарных ионов Xe^+ атомар ва SF_5^+ молекуляр ионлари, шунингдек Ag^+ ионлари дастаси билан Ag , Nb ва Ta сиртларни чанглантериш жараёнларида кластерли ионлар фрагментацияларини ва масса-таксимотларини қиёсий тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Ag_n^+ ва Nb_n^+




1.Расм. Ag (а) ва Nb (б) сиртларини SF_5^+ , Xe^+ и Ar^+ ионлари билан тўзғитиш жараёнларида мусбат гомоядроли кластерли ионларнинг масс-спектрлари.

кластерлар учун олинган масс-спектрлар (1.Расм), Ag_n^+ ($n=1-12$) учун бирламчи ионлар типига боғлиқ равишда чиқиш интенсивликларида катта тафовут кузатилишидан далолат беради. SF_5^+ молекуляр дасталари билан бомбардимон қилиш жараёнларида ҳосил бўладиган Ag_n^+ кластер ионлари интенсивлигининг энг катта қийматига эришилади, бу эса Ar^+ ионлари билан чанглантеририлган ҳолдаги мос кластерлар чиқишидан 160-170 марта юқори. Xe^+ ион дасталари билан бомбардимон қилиш жараёнида Ag_n^+ кластерлари

интенсивлиги (1a.Расм) бу кластерларнинг аргон билан чанглантирилган ҳолдаги чиқишидан катта, лекин SF_5^+ ионлари билан бомбардимон қилишдагидан кичик бўлган оралиқ қийматларни қабул қилади. Ушбу бирламчи ионлар дастаси билан чангланган Nb_n^+ ($n=1-17$) нинг масса-таксимоти (рис.1б.Расм) шуни кўрсатадики, кластерда $n > 2$ бўлганда ундаги атомлар сони ортиши билан интенсивликнинг монотон камайишини кўрсатади. SF_5^+ и He^+ ионлари билан бомбардимон қилинганда $n=4-8$ бўлган Nb_n^+ ионларининг чиқиши интенсивлик бўйича атомлар сонига кучсиз боғлиқ. SF_5^+ , He^+ ва Ag^+ ионлари билан чанглантирилган Ta_n^+ ($n=1-8$) кластерлари масса-таксимоти кутилмаган кўринишга эга. He^+ ионлари дастаси билан бомбардимон қилиш жараёнида кластерларнинг чиқиши катта қийматларга эришар экан. Молекуляр Ta_n^+ ионлари билан бомбардимон қилиш жараёнида Ta_n^+ кластерларининг чиқиши аргон билан чанглантирилгандагига қараганда сезиларли даражада юқори, лекин He^+ таъсиридаги интенсивликлардан кичик.

Кузатиладиган кластерли ионларнинг чиқишига бирламчи ионлар



2.Расм. 10кэВ энергияли He^+ ва SF_5^+ ионлари билан бомбардимон қилинган кумуш сиртидан чанглантирилган нейтрал Ag_n кластерларининг масс-спектрлари.

дастасидаги заррачалар сони ва чанглантирилган кластерлар ионланиши даражаси таъсирини аниқлаш мақсадида биз Эссен шаҳридаги Университетнинг (Германия) тадқиқот гуруҳи бидан биргаликда айнан бир хил шароитларда Ag сиртини He^+ ва SF_5^+ мономолекуляр ионлари билан чанглантириш жараёнида Ag_n нейтрал кластерлар эмиссиясини ўрганиш бўйича тажрибалар

ўтказилди. Тажрибалар лазер ионлаштириш имконияти бўлган рефлектрон типдаги вақт бўйича учувчи масс-спектрометрда $3 \cdot 10^{-12}$

Торр вакуум шароитида поликристалл кумушни 45° бурчак остида 10 кэВ энергияли He^+ ва SF_5^+ ионлари билан бомбардимон орқали ўтказилди. Олинган натижалар шундан далолат берадики (2.Расм), He^+ атомар ионлари билан чанглантиришдан SF_5^+ молекуляр ионлар билан чанглантиришга ўтиш кумуш нейтрал атомлари ва уларнинг димерлари чиқишининг унча сезиларли бўлмаган ортишига олиб келади. Айни вақтда $n \geq 3$ бўлган ҳолда Ag_n кластерлари чиқиши интенсивлиги амалда деярли ўзгаришсиз қолади. Олинган катталиклар таҳлили ва 1.Расм билан қиёсий солиштириш қуйидаги икки хулоса чиқариш имконини беради. Биринчидан, SF_5^+ билан бомбардимон қилиш жараёнида Ag_n^+ кластер ионлари чиқишининг, He^+ билан бомбардимон қилиш жараёнидаги чиқиш билан солиштирилганда

юқорироқ бўлиши чангланишнинг ортишига эмас, балки чангланган заррачалар ионлари эҳтимоллигининг ортишга боғлиқ. Иккинчидан, кўп атомли ионлар билан чанглантириш жараёнида, хусусан бомбардимон қилувчи заррачаларнинг ўлчамлари ва энергиялари тадқиқ қилинаётган соҳасида кластер чиқишининг нозичлиги кучайиш эффектлари кузатилмади.

Xe^+ ва SF_5^+ ионлари билан чангланган Ag_n^+ , Nb_n^+ ва Ta_n^+ кластерларининг бўлиниш бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳар иккала типдаги бирламчи ионлар дастаси учун ўлчаш хатоликлари даражасида парчаланиш эҳтимолликлари бир хил бўлар экан.

Чангланган кластерларнинг фрагментация жараёнлари уларнинг бўлиниш тезликлари доимийлари билан характерланиши мумкин экан: $k \equiv 1/\tau$, бу ерда τ – кластерларнинг ўртача яшаш вақти. Турли стехиометрик таркибдаги, турли фрагментация каналларига эга бўлган чангланган кластерларнинг бўлиниш тезликлари доимийлари k ва яшаш вақти τ ларни аниқлаш учун биз масс-спектрометрнинг S_1 ва S_2 майдонсиз зоналарида Δt_1 ва Δt_2 учини вақтида бўлиниш актлари сонини солиштиришга асосланган методикадан бу вақт ичида фрагментацияга дучор бўлиши мумкин бўлган метастабил кластерлар сони ΔN_1 ва ΔN_2 ушбу зона киришидаги дастлабки ионлар сони N_1 ва N_2 ларга пропорционал деб фараз қилиб фойдаландик. Бўлиниш қонуни қуйидагича

$$N = N_0 \exp(-k\Delta t), \quad (4)$$

бу ерда k – парчаланиш тезлиги доимийси, N – Δt вақт ичида парчаланишга дучор бўлмайдиган метастабил ионлар сони, N_0 – дастлабки метастабил ионлар сони. Масс-спектрометрнинг S_1 ва S_2 зоналарининг ҳар бир майдонсиз зоналари (соҳалари) учун қуйидагиларни оламиз:

$$\Delta N_1 = N_0 \exp(-kt_1)[1 - \exp(-k\Delta t_1)]; \quad \Delta N_2 = N_0 \exp(-kt_2)[1 - \exp(-k\Delta t_2)], \quad (5)$$

бу ерда t_1 ва t_2 – қурилма геометрияси билан боғлиқ бўлган мос зоналаргача учиб бориш учун зарур бўлган вақтлар, Δt_1 ва Δt_2 – бу зоналарни учиб ўтиш вақти. Тажрибадан биринчи майдонсиз зона ΔN_1 ва иккинчи зона учун ΔN_2 дларни аниқлаб, уларнинг нисбати бўйича қуйидаги тенглама:

$$\Delta N_1 / \Delta N_2 = \exp k(t_2 - t_1)[1 - \exp(-k\Delta t_1)] / [1 - \exp(-k\Delta t_2)]. \quad (6)$$

орқали ўртача парчаланиш (бўлиниш) тезликлари доимийларини топишимиз мумкин.

Ag_n^+ , Nb_n^+ , Ta_n^+ , Au_n^+ и Cu_n^+ каби қатор ион кластерлар учун (4)-(6) формулалар орқали ҳисобланган ўртача парчаланиш (бўлиниш) тезликлари доимийлари k ва уларга мос ўртача яшаш вақтлари $\tau \equiv 1/k$ шуни кўрсатадики, атомар Xe^+ ва молекуляр SF_5^+ ионлари билан чанглантирилган турли металл кластерлар учун уларнинг сонли қийматлари ўлчаш хатолиги даражасида бир-бири билан мос тушади, яъни ушбу кластерларнинг тебранма уйғониш ички энергиялари бирламчи бомбардимон қилувчи ионлардаги атомлар сонига боғлиқ эмас.

Кўп атомли комплекслар ва ғалаёнлантирилган молекулалар фрагментацияси жараёнларини ифодалаб берувчи назариялардан бири Райса-

Рамспергер-Кассел ларнинг мономолекуляр реакциялар назарияси (РРК) ҳисобланади. Унга кўра реакция тезлиги доимийси куйидагича

$$k(E) = A[(E - E_0)/E]^{s-1} \quad (7),$$

бу ерда A – юқори температурали экспоненциал Аррениус кўпайтувчиси бўлган доимий катталиқ. Шундай қилиб, РРК назариясининг классик варианты доирасида чанглангирилган кластерлар ғалаёнланиш энергиялари $E \equiv E_{excit}$ ни сонли баҳолаш имкониятлари мавжуд. РРК доирасида кластерларнинг мономолекуляр бўлинишининг тавсифи, бўлиниш тезлиги доимийларининг топилган қийматларини инобатга олиб, E_d диссоциация реакциясининг фаоллишиш энергиясида, ўртача яшаш вақти τ нинг тебранма ғалаёнланиш энергияси E_{excit} га боғлиқлигини беради:

$$E_{excit} = E_d(n) / [1 - (k_n/\nu_0)^{1/s-1}], \quad (8)$$

бу ерда $\nu_0 \approx 10^{13} \text{ с}^{-1}$ - частота фактори (омили), n – кластердаги заррачалар сони в кластере, $s=3n-6$ – ундаги гармоник осциляторлар сони, ҳисобга олган ҳолда диссоциация реакцияларининг активлаштирилган энергиялари E_d шароитида τ ўртача яшаш вақтининг E_{excit} тебранма ғалаёнланиш энергиясига боғлиқлигини беради.

Биз (8) формула бўйича мос кластерлар диссоциация энергиялари

1.Жадвал. Nb_n^+ ва Ta_n^+ ларнинг чанглангирилган кластерларининг ўртача уйғотилиш энергиялари (эВ).

Ион	Распад	E_d	E_{excit}	$E_{excit}/\text{атом}$
Nb_5^+	$Nb_4^+ + Nb$	5,69	5,76	1,15
Nb_8^+	$Nb_7^+ + Nb$	5,84	6,31	0,79
Nb_9^+	$Nb_8^+ + Nb$	5,87	6,54	0,73
Nb_{10}^+	$Nb_9^+ + Nb$	6,88	7,93	0,79
Ta_5^+	$Ta_4^+ + Ta$	7,02	7,10	1,42
Ta_6^+	$Ta_5^+ + Ta$	5,52	5,68	0,95
Ta_7^+	$Ta_6^+ + Ta$	8,34	8,78	1,25

катталиклари ва (4)-(6) формулалар орқали аниқланувчи бўлиниш тезликлари доимийларини ҳисобга олган ҳолда чангланган кластерларнинг ўртача ғалаёнланиш энергияларини баҳолашни амалга оширдик. Nb_n^+ ва Ta_n^+ каби қатор кластерларнинг ўртача уйғониш энергияларини баҳолаш бўйича олган натижаларимиз 1.жадвалда

келтирилган.

Илгари ишлаб чиқилган методика (1) ва (3) формулалар орқали «буғлантириш ансамбли» назарияси доирасида фрагментация жараёнида ҳосил бўладиган парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрларини ўлчаш асосида чангланган кластер ионларнинг диссоциация энергияларини аниқлаш имконини беради. Айни вақтда, умумий ҳолда «буғлантирувчи ансамбл» назариясидан фойдаланишда ноаниқ қолаётган мумкин бўлган чекловлар мавжуд. Шу сабабли, «буғлантириш ансамбли» назарияси ёрдамида олинган катталиқларни кластерли ионларнинг бўлиниш активация энергияларининг сонли қийматлари билан солиштириб баҳоловчи қўшимча методикаларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан саналади. Бу масалани ечиш учун биз РРК назарияси асосида кластерларнинг диссоциация энергияларини баҳолашнинг текшириш имконини берувчи методикани ишлаб

чикдик. Иккинчи майдонсиз S_2 соҳасида фрагментациялашадиган кластерлар учун ушбу методика доирасида, ғалаёнланиш энергияси диссоциация энергияси ва парчаланган ионларнинг кинетик энергиялари билан боғлиқ ортиқча энергиялар йиғиндисидан иборат деб фараз қилиняпти: $E_{excit}=E_v=E_d+E_e$. У ҳолда

$$E_d = [(v_0/k)^{1/s-1} - 1] E_e, \quad (9)$$

бу ерда v_0 – частота фактори (омили), s – осциляторлар сони, E_v – кластернинг ички энергияси,

$$E_e = s/c, \quad (10)$$

c – тажрибадан аниқланадиган эгарсимон нуқта қиймати:


$$c = 1/[2(w/2)^2 \chi], \quad (11)$$

бу ерда w — Гаусс тақсимооти ёрдамида апроксимацияланадиган, парчаланган ионлар кинетик энергиялари бўйича тақсимооти спектри максимуми ярим баландлигининг кенглиги, χ – лаборатория координата системасидан масса маркази системасига энергияни ўтказиш коэффиценти. Шунини таъкидлаш лозимки, РРК назариясининг классик вариантыдан фойдаланиб аниқланган E_d диссоциация энергиялари, биринчидан, c параметрни танлашнинг ихтиёрийлиги, ва иккинчидан, назариянинг ўзини қўллашдаги баъзи чекланган аниқлик туфайли баҳолаш энергиялари ҳисобланади. Шундай қилиб, (9)-(11) лар ёрдамида чангланган кластерлар диссоциация активлаштириш энергияларини баҳолашнинг ушбу методикага «буғлантирувчи ансамбл» назариясига асосланган асосий (1)-(3) методикага нисбатан назорат қилувчи методика сифатида қаралар экан.

РРК назарияси асосида (9)-(11) лар ёрдамида чангланган кластерлар диссоциация активлаштириш энергияларини баҳолаш методикасининг имкониятларини текшириш учун ундан фойдаланган ҳолда гетероядроли кластер структураларни тадқиқ қилиш зарур. Шу сабабли, қатор илмий ва амалий ишларнинг асосий ўрганиш манбаи бўлган турли хусусиятларга эга ниобий-углеродли кластерларни тадқиқ қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади. $Nb_nC_m^+$ кластерларнинг фрагментация ва эмиссияси бўйича тадқиқотлар ниобий карбидини He^+ ионлари билан чанглантириш шароитида ўтказилди. Олинган масса-тақсимоотлари таҳлили шуни кўрсатадики, $Nb_mC_n^+$ кластерлари атомлар сонининг $m=1-9$ ва $n=1-12$ кенг диапозонида қайд қилинади. $Nb_mC_n^+$ фрагментацияси тадқиқотлари натижалари мусбат ниобий-углерод учун умумий бўлиниш каналлари йўқлигини ва уларнинг аксарияти учун бир неча каналлар бўйича фрагментация характерли эканлигидан далолат беради.

Ниобий-углеродли кластерлар диссоциация энергияларини баҳолаш уларнинг парчаланган ионлар кинетик энергиялари спектрлари фрагментацияси шароитидаги тадқиқотлари асосида амалга оширилган бўлиб (3.Расм), Олинган натижалар «буғлантирувчи ансамбл» модели асосида (1)-(3) методика ҳамда классик РРК назариясига асосланиб (9)-(11)

методика бўйича қайта ишланган. $Nb_mC_n^+$ кластерлар қаторининг ҳар иккала методика доирасида ўтказилган ўлчашлар асосида ҳисобланган диссоциация энергиялари қийматлари 2.Жадвалда келтирилган.



3.Расм. Курилманинг иккинчи майдонсиз зонасида $Nb_mC_m^+$ кластерларнинг бўлиниши жараёнида парчаланган ионлар кинетик энергияларининг нормаллаштирилган: а) – лаборатория системасида; б) – массалар маркази системасида.

2.Жадвал. $Nb_mC_n^+$ кластерларининг E_d (эВ) диссоциация энергиялари: КI - теория "буғлантириш ансамбли"; RRК – РРК назарияси.


Кластер	Бўлиниш канали	E_d (эВ)	
		КI	RRК
$Nb_2C_3^+$	$Nb_2C_3^+ \rightarrow Nb^+ + NbC_3^0$	2.20	2,72
$Nb_2C_4^+$	$Nb_2C_4^+ \rightarrow Nb^+ + NbC_4^0$	4.31	4,26
$Nb_2C_5^+$	$Nb_2C_5^+ \rightarrow Nb_2C^+ + C_4^0$	2.40	2,15
$Nb_2C_5^+$	$Nb_2C_5^+ \rightarrow Nb_2C_2^+ + C_3^0$	4.99	4,47
$Nb_2C_6^+$	$Nb_2C_6^+ \rightarrow Nb_2C_2^+ + C_4^0$	2,07	1,77
$Nb_3C_3^+$	$Nb_3C_3^+ \rightarrow Nb^+ + Nb_2C_3^0$	4.60	4,56
$Nb_3C_4^+$	$Nb_3C_4^+ \rightarrow Nb_3C_3^+ + C_1^0$	7.56	6,79
$Nb_4C_2^+$	$Nb_4C_2^+ \rightarrow Nb_3C_2^+ + Nb^0$	5.20	5,18
$Nb_4C_5^+$	$Nb_4C_5^+ \rightarrow Nb_4C_4^+ + C_1^0$	7.22	6,84
Nb_5C^+	$Nb_5C^+ \rightarrow Nb_4C^+ + Nb^0$	6.17	6,16
$Nb_5C_2^+$	$Nb_5C_2^+ \rightarrow Nb_4C_2^+ + Nb^0$	5.34	4,82
$Nb_5C_3^+$	$Nb_5C_3^+ \rightarrow Nb_4C_3^+ + Nb^0$	4.71	4,04

Келтирилган катталиклардан кўринадикки, $Nb_mC_n^+$ диссоциация энергияларининг «буғлантирувчи ансамбл» ва РРК назариялари доирасида аниқланган қийматлари асосан бир-бирига яқин. Олинган натижалар шунингдек, чангланган кластер ионлар диссоциация энергияларини аниқлаш учун ҳар иккала ёндошувдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ягона ҳисоблаш методикасидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлигидан далolat беради.

